

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛАНДАРОВА МАДИНА БАХАДИРОВНА

**ЕТУКЛИК ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ
ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Каландарова Мадина Бахадировна

Етуклик ёшидаги аёлларда туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларнинг
ижтимоий-психологик хусусиятлари..... 3

Каландарова Мадина Бахадировна

Социально-психологические особенности послеродовых
эмоциональных состояний у женщин зрелого возраста 25

Kalandarova Madina Bahadirovna

Socio-psychological characteristics of postnatal emotional states in women
of mature age 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛАНДАРОВА МАДИНА БАХАДИРОВНА

**ЕТУКЛИК ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ
ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/P288 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уразбаева Дилбар Абдуллаевна
психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Шеримбетова Замира Шалабаевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» ____ кунни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, психология фанлари
доктори, доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, психология
фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

З.Т.Нишоновна

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси психология фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда туғруқ олди ва туғруқдан кейинги эмоционал ва физиологик ҳолати туфайли оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг динамик ўсиши энг кўп кузатиладиган ҳодиса ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлашича, туғруқдан кейинги даврда оналар соғлиғи билан боғлиқ муаммолар юқори даражада кузатилмоқда¹. 2021 йилда бутун дунё бўйича чақалоқлар ўлими рейтингида берилган маълумотларга кўра, 1000 кишига 27,9 ни қайд этилганлиги² перинатал даврда она-бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлими кўрсаткичини пасайтириш, ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги эмоционал психологик саломатликни стабиллаштириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш чора-тадбирлари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий марказларида оналар саломатлигига психологик омиллар таъсирини ўрганиш, эмоционал барқарорликни сақлашда биологик, психологик таъсирни аниқлашга оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўплаб давлатларда туғруқдан кейинги депрессия статистикаси юритилади. Статистик маълумотларга кўра, тахминан ҳар 10 аёлдан 1 нафари туғруқдан кейинги депрессияни бошдан кечиради, баъзи тадқиқотларда ҳар 7 аёлдан 1 нафари қайд этилган³. Мазкур масалалар юзасидан етуклик ёшидаги аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги психоэмоционал ва физиологик ҳолатига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш, она-бола саломатлигига хавф солувчи, руҳий бузилишларга сабаб бўлувчи турли салбий психоэмоционал ҳолатларга берилишнинг сабаби ва таъсир этувчи бошқа омилларининг психодиагностик таҳлил чораларини кўриш, психокоррекцион тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган муаммоларга эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий соҳани янада юқори даражаларга олиб чиқиш, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврларда она ва бола саломатлигига таъсир этувчи салбий ҳолатлар олдини олишнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самараси орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва профилактика қилиш...»⁴ вазифаларининг белгилаб берилганлиги билан ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда она-бола

¹ <https://www.who.int/maternal-health/en>

² Рейтинг стран мира по уровню младенческой смертности / Гуманитарный портал: Исследования [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий, 2006–2022 (последняя редакция: 06.10.2022). URL: <https://gtmarket.ru/ratings/child-mortality-ranking>

³ <https://www.postpartumdepression.org/resources/statistics>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

саломатлигини сақлаш ҳамда реабилитация тадбирларини эрта бошлаш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш юзасидан янгича илмий ёндашув асосида илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда назарий ечимларини топишнинг мустаҳкам асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз психолог олимларидан Д.У.Абдуллаева, Ш.Р.Баротов, З.Р.Ибодуллаев, Д.И.Илхамова, М.Х.Карамян, В.М.Каримова, М.М.Маҳмудова, Ю.К.Нарметова, З.Т.Нишанова, Н.Ё.Нўъмонова, Ў.Б.Шамсиев, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар тадқиқотларида оила психологияси, психогигиена масалалари, психологик хизмат, тиббий психология, репродуктив ҳуққ, репродуктив установка, соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизматни такомиллаштириш, турли касалликлар реабилитациясида психологик хизматни олиб бориш, оналик психологияси ва она холдинг тажрибаси, она ва бола муносабатларининг бола шахси шаклланишига психологик таъсири механизми масалалари доирасида илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Э.К.Айламазьян, П.П.Балашов, А.С.Батуев, А.И.Блюм, И.В.Добряков, Д.И.Емельянова, Б.Д.Карвасарский, Н.П.Коваленко, М.А.Коргожа, Л.К.Квасова, Е.Ф.Куфтяк, Э.Г.Эйдемиллер ва бошқаларнинг илмий изланишларида ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда аёлларда психоэмоционал ҳолат ўзгаришлари, хавотирли-депрессив бузилишлар, реабилитация тадбирлари аҳамияти ва оилавий психотерапевтик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини таъминлаш жараёнлари билан боғлиқ муаммолар илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан G.Anderson, A.Aswathi, C.N.Epperson, S.Iliadis, M.W.O'Hara, Z.Sadat, L.E.Sockol, A.M.Stuebe ва бошқалар туғруқ ва туғруқдан

кейинги ҳиссий-эмоционал ҳолатлар, депрессия, хавотирлилик, репродуктив стресс масалаларини илмий тадқиқ этишган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ-20170999928556 рақамли «Онкология соҳасида психологик хизматнинг аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади етуклик ёшидаги аёлларнинг туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туғруқдан кейинги даврда депрессиянинг даражавий ривожланишига кўра, салбий кечинмаларнинг ҳулқда интенсив намоён бўлиши муаммосини илмий жиҳатдан асослаш;

туғруқдан кейинги даврда аёлларда кузатиладиган эмоционал ҳолатларнинг ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги эрта ва кечки давр хусусиятларига муносабати ва улардаги эмоционал ҳолат ўзгаришларининг ёшга боғлиқ дифференциал фарқларини таҳлил этиш;

туғруқдан кейинги даврда юз бераётган ҳодисаларни назорат қилишнинг субъектив кечинмалари намоён бўлишида невротик-депрессия ҳолатини ёшга боғлиқ дифференциал фарқларини эмпирик тадқиқ этиш;

туғруқдан кейинги даврда аёлларда намоён бўладиган эмоционал ҳолатларнинг даражасини ўрганиш ҳамда уларнинг ҳиссий соҳасига ижобий таъсир қиладиган психокоррекцион дастурни қўллаш, самарадорлигини баҳолаш, тегишли мутахассисларга зарурий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аёллардаги туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатлар танланган бўлиб, тадқиқотда Республика перинатал маркази ва Хоразм вилояти Урганч шаҳар туғруқ мажмуаси «Асоратли ҳомиладорлар бўлими» ва «Чилла даври бўлими»да рўйхатда турган ва даволанаётган жами 121 нафар аёллар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини аёлларнинг туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатлари ва уларга психокоррекцион таъсир кўрсатиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, интервью, ҳужжатларни таҳлил қилиш методлари, шунингдек, В.Д.Менделевичнинг «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си, В.Зунг-Т.Н.Балашеванинг «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси», Ч.Д.Спилбергер-Ю.Л.Ханиннинг «Хавотирланиш даражасини аниқлаш сўровномаси», «Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи» методикаларидан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси математик-статистик методларидан Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффицентини қўллаш орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғруқдан кейинги даврда депрессиянинг даражавий ривожланишига кўра, она-бола муносабатларидаги ўзаро идентификациянинг намоён бўлишида ички қарама-қаршиликлар, айбдорлик ҳисси, салбий фикрлар, асабийлашиш ва жаҳлдорлик каби кечинмаларнинг ҳулқда интенсив намоён бўлиши туфайли, эмоционал ҳолатлар дифференциацияси кузатилиши далилланган;

туғруқдан кейинги даврда аёлларда салбий эмоционал ҳолатлар ифодаланишига кўра, вегетатив, астеник ва истерик реакциялар даражасининг беқарор психоэмоционал ҳолатлар таъсирида кучайиши туфайли, психик саломатликнинг ёшга боғлиқ дифференциал фарқлари мавжудлиги асосланган;

туғруқдан кейинги даврда боланинг соғлиғи ва аҳволи учун кўрқувнинг доимий таъқиб қилувчи характери туғруқдан кейинги даврда юз бераётган ҳодисаларни назорат қилишнинг субъектив ҳисси намоён бўлишига кўра, она томонидан бола ҳаракатларини англаш ва тушунишнинг мураккаблиги ҳамда болани тўғри парваришлашда ўзининг тажрибасизлиги ва ожизлигини сезиш ҳисси сабабли, невротик-депрессия даражасининг ошишида ёшга боғлиқ дифференциал фарқлари мавжудлиги асосланган;

туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг психик саломатлигини барқарорлаштиришда когнитив, шахсий, иродавий, ижтимоий соҳаларига аутоген таъсирнинг муҳимлигига кўра, фарзандига, ўз-ўзига, турмушига, ҳаётга нисбатан муносабатлари тизимида эмоционал интеллектни шакллантириш зарурлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

туғруқдан кейинги даврда аёлларга психологик ёрдам кўрсатишда, уларнинг туғруқдан кейинги даврдаги психоэмоционал ҳолатларини ўрганишга доир сўровнома ва методикалар қўлланилган;

етуклик ёшидаги аёлларда ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги даврдаги эмоционал ҳолатларнинг ёшга боғлиқ дифференциал фарқлари мавжудлиги асосланган ҳолда, психоэмоционал ҳолатларни ташхис қилиш орқали, уларнинг ҳиссий-эмоционал соҳасидаги ўзгаришлар жорий этилган;

туғруқдан кейинги даврдаги аёлларга психологик хизмат кўрсатишга оид «Туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари» номли услубий қўлланма яратилган;

туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг эмоционал ҳолатларига таъсир қилувчи психокоррекцион дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқот объектларининг мақсадга мос танланганлиги, илмий текшириш ва тренингларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, танланган методикаларнинг валидлиги ва ишончлиги, олинган эмпирик миқдорлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида қайта ишлангани билан белгиланади. Шунингдек, ишонччилик тадқиқот давомида шакллантирилган, таклиф ва тавсияларнинг бир вақтда турли йўналишларда амалиётга тадбиқ этилгани, ваколатли муассасалар томонидан олинган натижаларнинг тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти етуклик ёшидаги аёлларда туғруқдан кейинги даврда кузатиладиган эмоционал ҳолатларнинг кечиши, уларнинг ёши ва айни пайтдаги вазиятга боғлиқлиги билан алоқадорлиги, перинатал давр хусусиятларига эътибор қаратган ҳолда, туғруқдан кейинги даврнинг ижтимоий аҳамиятини онанинг ҳиссий соҳасида акс этиши хусусиятларини аниқлаштириш, туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг эмоционал соҳасига таъсир қилишнинг психологик механизми мазмун моҳияти очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасаларида «Ривожланиш психологияси ва педагогик психология», «Психодиагностика», «Тиббиёт психологияси», «Умумий психология», «Психокоррекция», «Психологик хизмат», «Ижтимоий психология», «Оила психологияси» фанлари ўқитилишини мазмунан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқотда ишлаб чиқилган коррекцион дастурдан амалиётчи психологлар, перинатология йўналишидаги шифокорлар ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврда аёлларга тиббий хизмат кўрсатишда, малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Етуклик ёшидаги аёлларда туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

туғруқдан кейинги даврда депрессиянинг даражавий ривожланишига кўра, она-бола муносабатларидаги ўзаро идентификациянинг намоён бўлишида ички қарама-қаршиликлар, айбдорлик ҳисси, салбий фикрлар, асабийлашиш ва жаҳлдорлик каби кечинмаларнинг ҳулқда интенсив намоён бўлиши туфайли, эмоционал ҳолатлар дифференциацияси кузатилишини далиллашга оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 30 ноябрдаги ПМ-19-сонли буйруғига асосан «Тиббиёт психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 7 декабрдаги ПМ-19-м-сонли маълумотномаси). Натижада, туғруқдан кейинги даврда депрессиянинг даражавий ривожланишига кўра, салбий кечинмаларнинг ҳулқда интенсив намоён бўлиши муаммоси бўйича ҳулосалар чиқаришга эришилган;

туғруқдан кейинги даврда аёлларда салбий эмоционал ҳолатлар ифодаланишига кўра, вегетатив, астеник ва истерик реакциялар даражасининг беқарор психоэмоционал ҳолатлар таъсирида кучайиши туфайли, психик саломатликнинг ёшга боғлиқ дифференциал фарқлари мавжудлигини асослашга оид маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 30 ноябрдаги ПМ-19-сонли буйруғига буйруғи билан «Ривожланиш психологияси ва педагогик психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 7 декабрдаги ПМ-19-м-сонли маълумотномаси). Натижада туғруқдан кейинги даврда аёлларда кузатиладиган

эмоционал ҳолатларнинг ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги эрта ва кечки давр хусусиятларига муносабати ва улардаги эмоционал ҳолат ўзгаришларининг ёшга боғлиқ дифференциал фарқлари мавжудлиги асослашга имкон яратилган;

туғруқдан кейинги даврда боланинг соғлиғи ва ахволи учун кўрқувнинг доимий таъқиб қилувчи характери туғруқдан кейинги даврда юз бераётган ҳодисаларни назорат қилишнинг субъектив ҳисси намоён бўлишига кўра, она томонидан бола ҳаракатларини англаш ва тушунишнинг мураккаблиги ҳамда болани туғри парваришlashда ўзининг тажрибасизлиги ва ожизлигини сезиш ҳисси сабабли, невротик-депрессия даражасининг ошишида ёшга боғлиқ дифференциал фарқлари мавжудлигини асослашга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 30 ноябрдаги ПМ-19-сонли буйруғига буйруғи билан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 7 декабрдаги ПМ-19-м-сонли маълумотномаси). Натижада туғруқдан кейинги даврда юз бераётган ҳодисаларни назорат қилишнинг субъектив кечинмалари намоён бўлишида невротик-депрессия ҳолатини ёшга боғлиқ дифференциал фарқларини эмпирик тадқиқ этишга шароит яратилган;

туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг психик саломатлигини барқарорлаштиришда когнитив, шахсий, иродавий, ижтимоий соҳаларига аутоген таъсирнинг муҳимлигига кўра, фарзандига, ўз-ўзига, турмушига, ҳаётга нисбатан муносабатлари тизимида эмоционал интеллектни шакллантириш зарурлигини далиллашга оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 30 ноябрдаги ПМ-19-сонли буйруғига буйруғи билан «Тиббиёт психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 7 декабрдаги ПМ-19-м-сонли маълумотномаси) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил «24» ноябрдаги 08-37348-сонли маълумотномаси) натижада туғруқдан кейинги даврда аёлларда эмоционал ҳолатларнинг даражасини ўрганиш, аёлларнинг эмоционал соҳасига ижобий таъсир қиладиган психокоррекцион дастурни қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 6 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган журналларда 5 та илмий мақола, хорижий журналда 1 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Психология фанида репродуктив хулқ ва оналикка тайёрлаш масалаларининг назарий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида репродуктив хулқ, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврдаги психологик ўзгаришларни ўз ичига олган перинатал психология соҳаси масалаларининг қадимги давр ва шарқ мутаффақирлари ғояларида акс этиши, замонавий тадқиқотларда ўрганилиши, етуклик ёшидаги аёлларда туғруқдан кейинги даврдаги эмоционал соҳанинг психологик хусусиятлари назарий ўрганилган ва таҳлили амалга оширилган.

Қадимги даврларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг ўзига хослиги бўйича қадимги Месопатамияда, Юнонистонда, эрамизнинг II асрида ва Шарқ мутаффақирлари, IX аср охири ва XX аср 90-йилларигача бўлган даврдаги яратилган асарларда ҳомиладорлик, туғруқ, фарзандли бўлиш, туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг эмоционал соҳасига психик омилларнинг аҳамиятли роли изоҳланган ғоялари келтирилган (Аристотел, Гален, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Л.С.Выготский, А.А.Леонтьев, Н.Д.Лакошин, А.А.Ухтомский, И.С.Кон, Д.В.Винникот, В.И.Брутман, В.Вerns, А.Phoenix ва бошқалар).

Замонавий ёндашувларда ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврдаги аёлларда ҳиссий-эмоционал соҳа ўзгаришларидан, хавотир, кўркув, агрессия, гормонал ўзгаришлардан келиб чиқадиган турли депрессив бузилишлар, астения, невротик депрессия, шунингдек, туғруқдан кейинги даврда психокоррекция тадбирлари самарадорлиги бўйича турли илмий тадқиқот (Э.Г.Эйдемиллер, И.В.Добряков, И.М.Никольская, К.Д.Хломов, Д.И.Емельянова, Г.Г.Филиппова, А.В.Голенков, А.Л.Филоненко, Б.Д.Карвасарский, А.С.Батуев, Н.П.Коваленко, С.И.Галаяутдинова, П.П.Балашов, М.А.Коргожа, Е.С.Миронова, А.Н.Стрижаков, А.И.Блюм, Л.К.Квасова, Е.Ф.Куфтяк ва бошқалар) ишлари таҳлили келтирилган. Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда аёллар ҳиссий ҳолатларининг намоён бўлиши бўйича хорижий олимларнинг (С.N.Epperson, M.W.O'Hara L.E.Sockol, A.M.Fox, I.S.Yum, Z.Sadat, G.Anderson, S.Iiadis, A.M.Stuebe, A.Aswathi ва бошқалар) илмий-амалий ишлари ҳам ўрганилган.

«Етуклик ёшидаги аёлларда туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларни эмпирик ўрганиш натижалари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида психологик тадқиқотларнинг методологик асослари, туғруқдан олдин, туғруқдан кейин эрта ва кечки даврда аёллар эмоционал соҳасини тадқиқ қилиш психодиагностикаси, метод ва методикалар тавсифи, уларда эмоционал ҳолатлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари баён этилган.

Ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги эрта ва кечки даврда аёлларнинг эмоционал соҳасини ташхис қилишда бевосита тиббиёт ходимларига ва

ҳомиладор ҳамда туққан аёлнинг индивидуал ва амбулатор тиббий картасига муурожаат қилиниб, клиник-анамнетик маълумотларни олиш учун ўрганиш ишлари олиб борилган. Шунингдек, тадқиқот давомида қўшимча психологик маълумотларни тадқиқ қилиш мақсадида респондентлардан тадқиқот ишининг биринчи ва охири босқичларида ижтимоий-психологик сўровнома олинди.

Аёлларда туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларни ўрганиш мақсадида тадқиқот иши бир нечта босқичларда олиб борилди. Туғруқдан кейинги даврда эмоционал ҳолатларнинг кечиши, бевосита ҳомиладорлик ва туғруқ давридаги ҳиссий кечинмалар билан узвий боғлиқлиги нуқтаи назаридан тадқиқот ишимизни уч босқичда олиб боришни мақсад қилдик:


- 1-босқич: III триместр босқичидаги 33-36 ҳафталикдаги ҳомиладорлар;
- 2-босқич: туғруқдан кейинги 3 кунгача бўлган давр;
- 3-босқич: туғруқдан кейинги 6-ҳафта.

Аёлларда туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатларни ўрганиш мақсадидаги тадқиқот ишида Республика перинатал маркази ва Урганч шаҳар туғруқ мажмуаси «Асоратли ҳомиладорлар бўлими» ва «Чилла даври бўлими»да рўйхатда турган ва даволанаётган 22 ёшдан 40 ёшгача бўлган жами 121 нафар аёллар қатнашдилар.

Тадқиқот ишини ташкил қилишда аёлларда ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги эрта ва кечки даврда кузатиладиган эмоционал ҳолатларнинг ёшга боғлиқ дифференциал фарқларини ўрганиш мақсадида, респондентлар етуклик ёш даври хусусиятларига кўра 3 та гуруҳга ажратилди:

- 1-гуруҳ: 22-28 ёшдаги аёллар;
- 2-гуруҳ: 29-35 ёшдаги аёллар;
- 3-гуруҳ: 36-40 ёшдаги аёллар.

Тадқиқотда 22-28 ёшдаги 42 нафар аёл, 29-35 ёшдаги 39 нафар аёл ва 36-40 ёшгача бўлган 40 нафар аёллар қатнашди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатларини ўрганишга қаратилган В.Д.Менделевичнинг «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си ва Ч.Д.Спилбергер-Ю.Л.Ханиннинг «Хавотирланиш даражасини аниқлаш сўровномаси» ўтказилди. Қуйида «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си натижалари диаграммада келтирилди.




1-расм. «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си натижалари

Диаграммада келтирилган натижалар III триместр босқичидаги 1-гурух ҳомиладор аёлларда невротик ҳолатлар, яъни хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати -0,9 га, депрессия -0,3 га, астения -1,34 га, истерия -0,5, фобик ҳолатларнинг ифодаланиши 0,48 га, вегетатив бузилишлар -0,13 га тенг эканлиги қайд этилди. 2-гурух ҳомиладор аёлларда невротик ҳолатлар, яъни хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати -0,2 га, депрессия 0,3 га, астения 0,04 га, истерия 1,14 га, фобик ҳолатларнинг ифодаланиши 0,6 га, вегетатив бузилишлар 1,15 га тенг эканлиги намоён бўлди. 3-гурух ҳомиладор аёлларда хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати 0,04 га, депрессия 0,2 га, астения 0,2 га, истерия -1,5, фобик ҳолатларнинг ифодаланиши 0,3 га, вегетатив бузилишлар 0,08 га тенг эканлиги аниқланди. Мазкур методикадаги ҳар бир шкаланинг 1,28 баллдан юқори бўлган кўрсаткичи, респондентда салбий эмоционал ҳолатларнинг йўқлигини кўрсатишини эътиборга оладиган бўлсак, олинган натижаларда ўрта ва паст балларни кузатишимиз мумкин. Натижаларга кўра, гуруҳларда ёшга боғлиқ дифференциал фарқлар мавжудлиги намоён бўлди.

Таҳлиллардан маълум бўлишича ҳомиладорликнинг III триместридаги аёлларда физиологик ўзгаришлар, оиладаги муаммолар, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, турмуш ўртоғи ва атрофидаги яқинлари томонидан эмоционал қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги депрессияга сабаб бўлувчи омил сифатида, ҳомиланинг ҳолати ва туғруқ ҳақидаги ўй-фикрлар хавотирланиш ва обсессив фобияга сабаб бўлиши, ҳомиладорлик даврида юзага келган асоратлар туфайли касалхонада даволаниш ёки ҳаракатни чегаралаш зарурати, саломатлигини яхшилаш, бўлажак фарзанд саломатлигини сақлаш учун дори-дармонларни қабул қилиш вегетатив бузилишларга сабаб бўлиши билан бирга нохуш кайфиятни юзага келтириши мумкин.

Ҳомила ҳолати ва яқинлашаётган туғруққа муносабат ўзига хос эмоционал ҳолатлардан, айниқса хавотирни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан респондентларда Спилбергер-Ханиннинг «Хавотирланиш даражасини аниқлаш сўровномаси» ўтказилди, сўровнома натижалари ёш хусусиятлари бўйича тафовутланган гуруҳларда алоҳида таҳлил қилинди. Қуйидаги расмда сўровнома натижаларини келтирамыз:



2-расм. «Хавотирланиш даражасини аниқлаш сўровномаси» натижалари


Расмда кўрсатилганидек, 1-гурухда реактив хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати 46,8, шахсий хавотирланиш 39,1 га тенг бўлса, 2-гурухда

реактив хавотирланиш 45,1 га, шахсий хавотирланиш 38,8 га, 3-гурухда реактив хавотирланиш 44,9 га, шахсий хавотирланиш 39 га тенг эканлиги қайд этилди. Аёлларда ҳомиладорлик билан боғлиқ вазиятли хавотирланиш шахсий хавотирлик билан боғлиқлиги намоён бўлди. Бошқача айтганда, аёллар шахсида хавотирланувчанлик мавжуд, шу билан бирга, ҳомиладорликнинг сўнги босқичларида туғруқ билан боғлиқ безовталанишлар (оғриқдан кўрқиш, кутилмаган ҳолатларнинг содир бўлишидан хавотирланиш ва ҳ.к.), ҳомиланинг ҳолатидан ташвишланиш, кайфиятнинг тез ўзгарувчанлиги бошдан кечирилади.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи туғруқдан кейинги даврнинг учинчи кунда олиб борилди. Дастлаб аёлларнинг розилигига кўра, туққан аёлнинг индивидуал картаси ўрганилиб, ижтимоий-психологик сўровноманинг туғруқ ва туғруқдан кейинги давр хусусиятларини аниқлашга қаратилган қисмига оид маълумотлар олинди. Унга кўра, ҳомиладорликнинг нечанчи ҳафтасида туққанлиги, туғруқ тури, туғруқда ёрдамчи воситаларнинг қўлланилганлиги, туғруқнинг давом этиш вақти ва боланинг хусусиятлари, хусусан, жинси, бўйи, вазни, Апгар шкаласининг 1 чи ва 5-дақиқадаги кўрсаткичи каби маълумотлар олинди.

Мазкур даврда аёлларнинг эмоционал ҳолатларини ўрганишга қаратилган «Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи» методикаси, Зунг-Балашеванинг «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси»дан фойдаланилди.

Туғруқдан кейинги эрта даврда аёллар эмоционал ҳолатида Эдинбург шкаласи бўйича депрессиянинг даражаси қуйидаги натижаларни кўрсатди.




3-расм. «Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи» натижалари

Бунга кўра 1-гурух аёлларида ўртача арифметик қиймат 2 ни, 2-гурухда 1,8 ни, 3-гурухда 1,4 ни кўрсатди. Методика таҳлилида 9 балл ва ундан юқори кўрсаткич туғруқдан кейинги депрессияни ифодаланишидан келиб чиқиб, мазкур даврда олиб борилган эмоционал ҳолатлар диагностикаси натижаларига кўра ҳар учала гуруҳда ҳам туғруқдан кейинги депрессив ҳолатлар кузатилмади. Сухбат ва кузатиш методлари орқали олинган таҳлилларда аксарият аёллар туғруқ жараёнининг оғриқли кечганлиги, баъзи аёллар саломатлигида юзага келган муаммолар сабаб шифокорлар томонидан кесарча кесиш орқали туғдиришга қарор қилинганлиги ва буни оғир қабул қилганлигини айтиб ўтган бўлсалар ҳам, айти пайтда фарзандини бағрига босар экан, барчаси унут бўлиб

кетганлигини, фарзандидан куч-қувват олаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Деярли барча аёлларда айна пайтдаги эмоционал ҳолати фарзандининг саломатлиги ва умумий ҳолатига боғлиқ эканлиги кузатилди.

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг бутун эътибори ўз ҳолатидан фарзандига кўчиши, оналик меҳрининг ошиши туғруқ олди ва туғруқ жараёнлари билан боғлиқ эмоционал зўриқиш ҳолатларининг унутилишига сабаб бўлади.

Тадқиқотда олинган Зунг-Балашеванинг «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси» натижалари қуйидаги расмда акс этди.



4-расм. «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси» натижалари


Диаграмма натижаларига кўра, 1-гурӯҳда ўртача арифметик қиймат 47,05 баллни, 2-гурӯҳда 44,08 баллни, 3-гурӯҳда 44,06 баллни кўрсатди.

Методика таҳлилида 50 баллдан паст кўрсаткич айна вақтда кайфияти кўтаринкиликни билдиришини эътиборга олган ҳолда, олинган натижаларга кўра, барча гуруҳ аёлларида ижобий эмоционал ҳолат намоён бўлди. Бу синалувчиларнинг айна пайтда оналик бахтини ҳис қилаётганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи туғруқдан кейинги 6-ҳафтада олиб борилди. Мазкур босқичда ижтимоий-психологик сўровнома, суҳбат, «Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи», «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси», «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си олинди.

Дастлаб ижтимоий-психологик сўровнома асосида туғруқдан кейинги давр хусусиятларини аниқлашга қаратилган маълумотлар олинди. Бунга кўра, бир ой ичида боланинг бўйи, вазнининг ўсиш кўрсаткичи, озиқлантириш тури, боланинг бир ой ичидаги психофизиологик ҳолати (касалликлар, парваришдаги муаммолар), онанинг психофизиологик ҳолати, болага ғамхўрлик қилишда бевосита атрофдагиларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаш даражасига оид маълумотлар қайд қилинди.


Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласидан олинган натижалар қуйидаги расмда келтирилган бўлиб, унда туғруқдан кейинги эмоционал ҳолатлар ёш билан боғлиқ ҳолатда фарқланиши кузатилди.



5-расм. «Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи» натижалари

Юқоридаги диаграмма натижаларига кўра, 1-гуруҳдаги аёлларда ўртача арифметик қиймат 5,6 баллни, 2-гуруҳ аёлларда 4,5 баллни, 3-гуруҳ аёлларда 4,4 баллни кўрсатди. Мазкур натижаларга кўра, туғруқдан кейинги депрессия кўрсаткичи 1-гуруҳ аёлларида юқорилиги намоён бўлмоқда. Бу кўрсаткични қуйидаги психологик таҳлил билан ифодалаш мумкин: 22-28 ёшдаги аёлларда биринчи мартаба она бўлиш, чақалокни парвариш қилишда тажрибанинг етишмаслиги, ижтимоий ролларнинг ўзгариши натижасида аёллар руҳиятида депрессив ҳолат кузатилади.

Зунг-Балашеванинг «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси»дан олинган натижалар қуйидагича фарқларда намоён бўлди:




6-расм. «Кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш сўровномаси» натижалари

Юқоридаги натижаларга кўра, 1-гуруҳ аёлларда ўртача арифметик қиймат 53,4 баллни, 2-гуруҳда 47,9 баллни, 3-гуруҳда 49,3 баллни кўрсатди. Бу эса аёллар руҳиятида кайфияти тушкунлик, субдепрессив ҳолатларнинг дифференциал фарқлари ёшга боғлиқ эканлиги, шу билан бирга айрим аёлларда боланинг ўсиши ва саломатлиги билан боғлиқ муаммолар, болани озиклантиришда сунъий ёки аралаш турларининг қўлланилиши, кундалик иш юкламасининг ортиши, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаш даражаси каби омиллар кайфияти йўқликка сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Тадқиқотда туғруқдан кейинги кечки даврда аёлларда кузатиладиган асабий ҳолатларни аниқлаш мақсадида Б.Д.Меделевичнинг «Невротик ҳолатларни

аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си ўтказилди, натижалар қуйидаги диаграммада келтирилди:



7-расм. «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш учун клиник сўровнома»си натижалари

Юқоридаги расмда ифодаланганидек, 1-гурух аёлларида хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати -0,6 га, депрессия -0,9 га, астения -0,2 га, истерия 0,9, фобик ҳолатларнинг ифодаланиши 0,8 га, вегетатив бузилишлар 2,4 га тенг эканлиги қайд этилди.

2-гурух аёлларда невротик ҳолатлар, яъни хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати 0,74 га, депрессия -0,04 га, астения 0,23 га, истерия 1,68 га, фобик ҳолатларнинг ифодаланиши 1,86 га, вегетатив бузилишлар 2,1 га тенг эканлиги намоён бўлди.

3-гурух аёлларда хавотирланишнинг ўртача арифметик қиймати 0,95 га, депрессия -0,6 га, астения 0,58 га, истерия 2,7, фобик ҳолатларнинг ифодаланиши 2,2 га, вегетатив бузилишлар 1,33 га тенг эканлиги аниқланди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, аёлларда ёшнинг улғайиши билан боғлиқ равишда оналик тажрибасининг ошиб бориши, янги оналик вазифасига нисбатан турғун эмоционал муносабат билдириши, атрофидагилардан керакли ёрдамни ола билишлиги намоён бўлмоқда. Шу билан биргаликда, 1-гурухдаги айрим аёлларда туғруқдан кейинги даврда боланинг соғлиғи ва аҳволи учун кўрқувнинг ҳис қилиниши, туғруқдан кейинги даврда юз бераётган ҳодисаларни назорат қилишнинг субъектив кечинмалари намоён бўлишига кўра, она томонидан бола ҳаракатларини англаш ва тушунишнинг мураккаблиги ҳамда болани тўғри парваришlashда ўзининг тажрибасизлиги ва ожизлигини сезиш ҳисси сабабли, невротик-депрессия даражасининг ошишида ёшга боғлиқ дифференциал фарқлар мавжудлиги кузатилди.

Синалувчилардан олинган натижаларга кўра, етуклик ёшидаги аёлларда туғруқдан олдинги даврда эмоционал ҳолатлар тафовути қуйидагича намоён бўлди:

**Туғруқдан олдинги даврда эмоционал ҳолатлар тафовути
(Студент t-мезони бўйича)**

Кўрсаткичлар	НЕВРОТИК ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ УЧУН КЛИНИК СЎРОВНОМА						Хавотирланиш даражасини аниқлаш сўровномаси	
	Хавотирлан иш шкаласи	Невротик депрессия шкаласи	Астения шкаласи	Истерия шкаласи	Обсессив фобия шкаласи	Вегетатив бузилишлар шкаласи	РХ	ШХ
1 ва 2-гуруҳлар ўртасидаги тафовут	-1,22	0,63	- 2,73 ***	-2,40**	0,31	1,64	1,57	-0,39
2 ва 3-гуруҳлар ўртасидаги тафовут	-0,57	-0,12	- 0,39	-0,97	0,41	1,13	-0,86	0,12
1 ва 3-гуруҳлар ўртасидаги тафовут	-1,56	-0,67	- 2,79 ***	- 3,20** *	0,68	-0,15	0,54	-0,29

Изоҳ: ** $p \leq 0,05$; *** $p \leq 0,01$

Юқоридаги жадвалда ифодаланганидек, туғруқдан олдинги даврда етукликнинг 1 ва 2-босқичи ўртасида астения ва истерия шкаласи ўртасида аҳамиятли фарқ кузатилди ($t = -2,73$; $p \leq 0,01$; $t = -2,40$; $p \leq 0,01$). Бунга кўра, 22-28 ёшдаги аёлларда 29-35 ёшдаги аёлларга нисбатан туғруқдан олдинги даврда астения ва истерия даражаси нисбатан юқори эканлиги намоён бўлди.

Етукликнинг 2 ва 3-босқичлари ўртасида эмоционал ҳолатлар тафовутининг статистик аҳамияти кузатилмади, шунингдек, 1 ва 3-босқичи ўртасидаги астения ва истерия шкаласи бўйича статистик аҳамиятли фарқ аниқланди ($t = -2,79$; $p \leq 0,01$; $t = -3,20$; $p \leq 0,01$). 22-28 ёшдаги аёлларда 36-40 ёшдаги аёлларга нисбатан туғруқдан олдинги даврда астения ва истерия даражаси нисбатан юқори эканлиги намоён бўлди.

Демак, 1-гуруҳдаги аёллар ҳулқ-атворида 2 ва 3-гуруҳ аёлларига нисбатан ҳомиладорлик даврида организмнинг умумий заифлашиши ва чарчаши, кайфияти ўзгарувчанлик, йиғлоқилик билан кечадиган астеник реакциялар, ортиқча таъсирланиш, ҳар нарсага ҳаддан ташқари эътибор бериш, ранг-баранг ҳис туйғуларга берилиш каби истерик реакцияларнинг даражаси юқори намоён бўлади экан.

Умумий синалувчилардан олинган натижаларга кўра, етуклик ёш даврининг турли босқичларига мансуб аёлларда туғруқдан кейинги даврда эмоционал ҳолатлар тафовути қуйидагича намоён бўлди:

**Туғруқдан кейинги даврда эмоционал ҳолатлар тафовути
(Студент t-мезони бўйича)**

Кўрсаткичлар	НЕВРОТИК ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ УЧУН КЛИНИК СЎРОВНОМА						Туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи	Кайфият йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш
	Хавотирланиш шкаласи	Невротик депрессия шкаласи	Астения шкаласи	Истерия шкаласи	Обсессив фобия шкаласи	Вегетатив бузилишлар шкаласи		
1 ва 2-гуруҳлар ўртасидаги тафовут	2,01**	-0,88	- 0,49	- 0,83	-1,83*	1,06	1,64	1,76*
2 ва 3-гуруҳлар ўртасидаги тафовут	-0,69	0,81	- 0,73	- 2,31**	-0,81	0,66	0,20	-1,28
1 ва 3-гуруҳлар ўртасидаги тафовут	-2,47**	0,69	- 1,08	- 3,18***	-2,41**	1,72*	1,77*	0,35

Изоҳ: * $p \leq 0,10$; ** $p \leq 0,05$; *** $p \leq 0,01$

Юқоридаги жадвалга кўра, туғруқдан кейинги даврда эмоционал ҳолатлар тафовути 1 ва 2-гуруҳ аёллари ўртасидаги хавотирланиш, обсессив-фобия, кайфияти йўқлик-субдепрессия даражасини аниқлаш шкаласи ўртасида фарқ кузатилган бўлса ($t=2,01$; $p \leq 0,05$; $t=-1,85$; $p \leq 0,10$; $t=1,76$; $p \leq 0,10$), 2 ва 3-гуруҳ аёллар ўртасида истерия шкаласида ($t=-2,31$; $p \leq 0,05$), 1 ва 3-гуруҳ аёллар ўртасида хавотирланиш, истерия, обсессив-фобия, вегетатив бузилишлар, туғруқдан кейинги депрессиянинг Эдинбург шкаласи ўртасида тафовутлар аниқланди ($t=-2,47$; $p \leq 0,05$; $t=-3,18$; $p \leq 0,01$; $t=-2,41$; $p \leq 0,05$; $t=1,72$; $p \leq 0,10$; $t=1,77$; $p \leq 0,10$).

Тадқиқотнинг психодиагностик босқичи натижаларига кўра, етуқлик ёшининг турли босқичидаги аёлларда ёшга боғлиқ дифференциал фарқлар мавжудлиги намоён бўлди. Жумладан, ёшлик даври деб номланган 22-28 ёшнинг

